

Тилла ва кумушнинг закоти | Фикҳ дарслари (299-дарс)



19:00 / 20 сентябрь 380

نُورِشَعِ بَعْدَ ذَلِكَ بِأَصْنَو
اتَيْمَ هَضْفُ لَوْ ، أَلْأَقْتِمِ
عَبَسَ أَمْ هَمْ رَشَعُ لُكِ ، مَمْ هَرْدِ
أَرْبَتِ وَأَلْأَوْمَعَمْ ، لِي قَاتِمِ
لُكِي فَوْرُشُعْ لَأُغْبُرُ بِي جِي فِ
بِأَصْنَو لَأِي لَعَدَا زِ سَمْ خِ
بِأُغْلِ أَرْبَتِ غِي وَ هِبَاسِ حَبِ

ي ف آل ، مُوقِي شُعْلَا بَلَعْ نِإو
ة رَاجَّتْ لَإِة ي ن ب آلِإ ، رَمَ ام رِي غ
إِذِإ ثُرِإِلِإ رِي غ ب أه كُ لَمَت دُنِع
ن م أب اص ن أه ت م ي ق غ ل ب
ر ي ق ف ل ل غ ف ن أ ام ه د ح أ

Тилланинг нисоби йигирма мисқол, кумушники икки юз дирхам.

Дирхамларнинг ҳар ўнтаси етти мисқол. Хоҳ ишланган бўлсин, хоҳ ёмби бўлсин, ўндан биридан тўртдан бирини бериш фарздир.

Нисобга зиёда бўлган ҳар бешдан бирдан ҳисоби ила чиқарилади.

(Тилланинг аралашган нарсдан) ғолиблиги эътиборга олинади. Агар аралаштирилган нарса (тилладан) ғолиб бўлса, (тилланинг) қиймати аниқланади (ва закоти чиқарилади).

Айтиб ўтилган нарсалардан бошқада закот фарз бўлмайди. Агар

тижорат ниятида бўлса, фарз бўлади. Мерос йўлидан бошқа йўл

билан уларга молик бўлган вақтда унинг (тижорат молининг)

қиймати икки пул бирлиги(тилла ва кумуш)дан фақирларга

манфаатлироқ бўлган нисобга етса, фарз бўлади.

ي ف ه ن ع ه ل ل ا ي ض ر س ن ا ن ع
و ب ا ه ل ب ت ك ي ذ ل ا ب ا ت ك ل ا
ي ف ن ن ي ر ح ب ل ا ي ل ا ر ك ب

لُؤْسَرَضَرَ يَتُّلَاةَ قَدَّصَلَا
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَ هَلَلَا
:نِي مَلْسُمُ لَا يَلَعَمَّ لَسَو
رُشُّعُلَا غُبُرَةَ قَرَلَا يَفَو
نِي غَسَّتْ أَلَا نُكَّتْ مَلُّ نِإْف
أَهِي فَ سَيَلَفِي مَهْرَدَةَ ئَامَو
هُ أَوْر. أَهْبَرَ عَاشِي نَأْ أَلَا ئِي ش
دُوَادُ وَبَأُوِّي رَاخُبُلَا
:ةَ سُمَّخَلَلَو. يِئْئَسُّ نَلَاو
قَاوَأِ سُمَّخَ نُوْدَ أَمِي فَ سَيَل
ةَ قَدَّصَ قَرُولَا نَم

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр уни Баҳраинга юборганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муслмонларга фарз қилган садақа ҳақида ёзиб берган мактубда:

«Дирҳам(кумуш пул)да ўндан бирнинг тўртдан бири. Агар бир юз тўқсон дирҳам(кумуш пул)дан бошқа бўлмаса, унда ҳеч нарса йўқ. Эгаси хоҳласа, мустасно», дейилган эди.

Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

Бешовлари қилган ривоятда:

«Танга пулнинг беш увқиясидан озида садақа йўқ», дейилган.

Араб тилида кумуш танга пул «вариқ», «риққа», деб аталади. Ушбу ҳадисда ўша кумуш танга пул ҳақида сўз кетмоқда.

Кумуш танга пулдан фарз бўладиган закот миқдори ўндан бирнинг тўртдан бири, бугунги кун истилоҳи билан айтилганда икки ярим фоизи экан. Жумладаги «ўндан бирнинг тўртдан бири» иборасини «қирқдан бир» деб айтилса ҳам бўлади. Аммо араб тилида биринчи таъбир тўғрироқ чиққанидан китобларимизда ўшани ишлатиш одат бўлиб қолган. Демак, кимнинг кумуш тангалари нисобга етса, икки ярим фоизини закот қилиб чиқариши керак бўлади.

Бир юз тўқсон танга кумуш пулга закот фарз бўлмайди. Аммо эгаси ўз ихтиёри билан закот бермоқчи бўлса, ўзи билади.

Кумуш танга пулнинг нисоби беш увқия. Бир увқия қирқ дирҳамга тенг. Уни бешга кўпайтирсак, икки юз дирҳам бўлади. Икки юз дирҳам кумуш пул нисобга етган бўлади.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ يَلَعُ نَع
:لَاقُ نَأَى لَأَثِي دَحَقَ اسَو
مَهْرَدَاتِيَامَ كَلْتَنَاكَ إِذِإْفِ
أَهِي فَفُ لُوحُ لَأَهِي لَعَلَا حَو

كَيْلَعِ سَيِّلٍ وَ مَهَارِدُةٍ سَمَخِ
كَلَنْوَكَيِّ تَحْءِيَشِ
كَلَنْ نَاكَ اِذِافٍ ، اَرَانِي دَنْوَرِشِعِ
اَهْيَلَعِ لَاحٍ وَ اَرَانِي دَنْوَرِشِعِ
رَانِي دُفُصْنِ اَهْيَفَفُ لُوحِ لَ
«كَلِذِ بَاسِحِ بَفَدَا زَامَفِ
هَخَّصَو دُوَادُ وُبَا هَاوَرِ
يِرَاخُ بَلَا

Али розияллоху анху узун ҳадисни айтиб келиб, охирида:

«Қачон сенинг икки юз дирҳаминг бўлса ва унга бир йил айланса, бас, ундан беш дирҳам. Йигирма диноринг бўлгунча, сенга ҳеч нарса фарз бўлмайди. Қачон йигирма диноринг бўлса, унга бир йил айланса, бас ундан ярим динор. Зиёда бўлган нарсадан ўшанинг ҳисоби бўйича», деди».

Абу Довуд ривоят қилган. Бухорий саҳиҳ деган.

Тилла пулнинг йигирма динордан озида закот фарз бўлмайди, чунки тилла пулнинг нисоби йигирма динордир.

Тилла пул ҳам нисобга етганидан кейин бир йил ўтсагина, закот фарз бўлади. Бир йилдан оз миқдорда нисобдан кам бўлиб қолса, закот фарз бўлмайди.

Йигирма динар тилла пулдан ярим динар закот берилади.

Нисобдан ортиқ пулдан нисбатига қараб, икки ярим фоизи закотга чиқарилаверади.

هَلَلَا يَلَصَّيْبُنْ لَانَعُ هُنَعُو
تُوفَعُ دَقُ «: لَأَقَمُّ لَسَوِ هَيْلَع
أُتَاهَفُ ، قِيْقُرْلَاوِ لِيْخُلَا نَع
نِيْغَبْرَأْلُكُ نَمِة قُرْلَاة قَدَص
يَفَسْ يَلَوِ ، أَمَ هَرْدَ أَمَ هَرْدَ
أَذِإْفُ ، عِيْشِة ئِأَمَ وَ نِيْغُسْت
أَهِيْفَفِ نِيْتِئَامُ تَعْلَب
دُوَادُ وَبَأُ هَاوِرُ . «مَ هَارْدُة سُمَخ
دَمَحْ أَوِيْ ذِمْرْتَلَاوِ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«От ва қулни афв қилдим. Танга пулнинг садақасини беринглар. Ҳар қирқ дирҳамдан бир дирҳам. Бир юз тўқсон(дирҳам)да ҳеч нарса йўқ. Қачон икки юзга етса, ундан беш дирҳам», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.